

етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.2.2. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг қелишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; етишмаётган қисмлар кийматини кўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

6.3. “Харидор”нинг жавобгарлиги:

6.3.1. “Харидор”нинг айби билан етказиб берилган товарлар ҳақини уз вақтида туламаса, “Харидор” томонидан кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда “Таъминотчи” сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. “Таъминотчи” нинг ҳисоб – варақасида махсулот солинган қутилар (тара) ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, қутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган қуйидаги форс -мажор ҳолатларида қисман ёки тўлик озод этиладилар: ёнгин, табиий офатлар, харбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан қелиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро қелишилган ҳолда ҳал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда оғохлантириш хати берадилар. Оғохлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ булмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик булимида руйхатга олингандан сунг, кучга кириб 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. “Харидор” “Таъминотчи”га ҳар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашёёларнинг буюртма рўйхатини тақдим этади, бунда товарнинг номи, миқдори курсатилиши шарт, “Харидор” га “Таъминотчи” томонидан прайс листлар тақдим этилади, прайс листга асосан «Харидор» нархларга алоҳида эътибор берган ҳолда, танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори –дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг тегишли газначилик булимидан руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилгоҳи ва банкдаги ҳисоб рақамлари:

“ТАЪМИНОТЧИ”

«Андижон Дори-Дармон» АЖ

711000, Андижон ш,

Оғохий куча №1-уй

х/р 20210000800177073001

Миллий Банк Андижон вилоят

Булими МФО 00074

ИНН 200218892

ИФУТ 46460

Тел/факс: 83742 374133

А.Н.Аҳмаджонов

(имзо, муҳр ўрни)



500 600 800 1000 1200 1400 1600 1800 2000 2200 2400 2600 2800 3000 3200 3400 3600 3800 4000 4200 4400 4600 4800 5000 5200 5400 5600 5800 6000 6200 6400 6600 6800 7000 7200 7400 7600 7800 8000 8200 8400 8600 8800 9000 9200 9400 9600 9800 10000

(имзо, муҳр ўрни)

Хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун талабларига мувофиқ равишда тузилган, имзоланган мумкин.

«Андижон Дори-Дармон» АЖ

Ҳуқуқшуноси



Юсупов С.